Тошкент оқшоми

2017 ЙИЛ 13 ИЮНЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 122 (13.455)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ БМТ БОШ КОТИБИ БИЛАН УЧРАШДИ

Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида 10 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерришнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Президентимиз олий мартабали меҳмонни мамлакатимизга ташрифи билан қутлаб, Ўзбекистон БМТ ва унинг ташкилотлари билан ҳамкорлик муносабатларини изчил ривожлантириб боради, деб таъкидлади. Жорий йилда мамлакатимизга БМТ Бош котибининг сиёсий масалалар бўйича ёрдамчиси Мирослав Енча раҳбарлигидаги, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад ал-Ҳусайн бошчилигидаги делегациялар ташриф буюргани Ўзбекистон ва БМТнинг интилишлари муштарак, саъй-ҳаракатлари ҳамоҳанг эканидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош котибига Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов қабрини зиёрат қилиб, унинг хотирасига ҳурмат бажо келтиргани учун миннатдорлик билдирди.

Ислом Каримовнинг тинчликпарвар сиёсати, асосли ташаббуслари ва амалий ишлари минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим асос бўлганини жаҳон ҳамжамияти кенг эътироф этаётганини таъкидлаш жоиз, деди давлатимиз раҳбари.

Антониу Гутерриш Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакат тараққиёти ва халқ фаровонлигини юксалтириш борасида муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этди.

Учрашувда Ўзбекистон билан БМТ ва унинг ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар, жумладан, Орол денгизи экологик инқирозининг оқибатларини юмшатишга доир масалалар муҳокама этилди. Глобал хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал этиш масалалари кўриб чиқилди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ўртасида 12 июнь куни телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Президентимиз 2017 йил 8-9 июнь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этиш учун Остона шаҳрига ташрифи чоғида Ўзбекистон делегациясига кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром ва меҳмондўстлик учун Қозоғистон Президентига самимий миннатдорлик билдирди.

Қозоғистон пойтахтида ўтган ушбу саммит ШҲТ фаолиятини ривожлантиришда тарихий воқеа бўлгани алоҳида таъкидланди. Ҳиндистон ва Покистоннинг Ташкилотга тенг ҳуқуқли аъзоликка қабул қилингани саммитнинг асосий натижаларидан бири сифатида қайд этилди. ШҲТ доирасидаги фаол ҳамкорликни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Президентимиз Қозоғистон раҳбариятини "Остона ЭКСПО – 2017" халқаро кўргазмаси юксак савияда ташкил этилгани билан табриклади ва тадбир муваффақиятли ўтишини тилади. Мазкур кўргазма минтақамиз давлатларини янада ривожлантириш борасида юксак технологиялар ва инвестициялар жалб этишга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Давлат раҳбарлари ўзаро ҳамкорлик, минтақавий ва халқаро сиёсатга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Суҳбат Ўзбекистон – Қозоғистон муносабатларига хос самимий ва дўстона, ўзаро англашув ва ҳурмат руҳида ўтди.

ЎзА

БАРЧА СОҲАЛАРДА ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИНИ ЯНАДА ОШИРИШ, ИЖРО ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ – ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФА

Тошкент шаҳрида 12 июнь куни видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги бўйича кутилаётган натижаларни олдиндан таҳлил қилиш, мавжуд камчиликларни тезкорлик билан бартараф этган ҳолда, барча соҳа ва тармоқларда белгиланган прогноз кўрсаткичлари ва мақсадли параметрларга эришишни таъминлаш борасидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари иштирок этди. Видеоконференция алоқаси орқали йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши раислари, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, вазирлик ва идораларнинг ҳудудий бўлинмалари, жойлардаги корхоналарнинг раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари ва тадбиркорлар қатнашди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бошқарди.

Йиғилишда мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтариш бўйича белгилаб олинган стратегик вазифаларни амалга ошириш юзасидан жорий йилнинг ўтган даврида эришилган ижобий натижалар эътироф этилиб, бугунги ислоҳотлар жараёнидаги камчилик ва муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари, ижро интизомини мустаҳкамлаш масалалари атрофлича таҳлил қилинди. Жумладан, давлат бошқаруви органлари тизимида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш, ушбу тизимни тубдан такомиллаштириш ва самарасини ошириш бўйича кейинги пайтда кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Бу борада, айниқса, 22 вазирлик, давлат қўмитаси, компания, уюшма ва бошқа тузилмалар янгидан ёки қайта ташкил этилгани, Вазирлар Маҳкамаси комплекслари таркибидаги ўнлаб идоралар тузилмаси ўзгартирилиб, уларнинг асосий вазифа ва функцияларига аниқликлар киритилгани муҳим амалий қадам сифатида қайд этилди.

Айни пайтда мазкур ўзгаришлар ҳамма соҳада ҳам кутилган натижаларни бермаётгани, баъзи янги вазирлик ва идоралар ўз фаолиятини ҳанузгача самарали йўлга қўймагани, бу эса 2017 йил учун белгиланган дастурлар ижросини таъминлашга салбий таъсир кўрсатаётгани танқид қилинди. Жумладан, ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинганига бир неча ой ўтганига қарамасдан, "Ўзагроэкспортбанк" ва "Пойтахтбанк"нинг муассислари томонидан ушбу банкларнинг фаолиятини йўлга қўйиш ҳалигача таъминланмагани сабаблари чуқур таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Йиғилишда, айниқса, иқтисодиётни бошқариш соҳасида эски қолипдаги, реал ҳаётдан узоқ, юзаки ёндашувларга йўл қўйиб бўлмаслиги, бугунги шиддатли тараққиёт ҳамма соҳаларда вазиятни танқидий баҳолаб, уларни ривожлантиришда янгича усул ва самарали тизимларни, замонавий бошқарув усулларини жорий этишни, юксак масъулият ва ташаббускорликни талаб этишига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари Ҳукуматнинг шу даврдаги фаолиятини таҳлил қилиб, ҳудудлар билан ишлаш, ҳар бир муаммо ни жойларга борган ҳолда, чуқур ва пухта ўрганиб, изчил ҳал этиш, самара ва натижадорлик Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлари фаолиятини баҳолашда муҳим мезон бўлишини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)

ХАЛҚ РОЗИЛИГИ – ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 10 июнь куни Самарқанд вилоятида бўлди.

Шавкат Мирзиёев Биринчи Президентимиз Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди. Таомилга биноан Қуръон тиловат қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 25 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги Қарори ижроси бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Ислом Каримов дафн этилган ҳудудда ёдгорлик мажмуаси барпо этилаётир.

Президентимиз мажмуа қурилиши жараёнини кўздан кечирди. Мақбара атрофида Ҳазрати Хизр масжиди билан уйғун ҳолда миллий меъморлик анъаналари асосида айвонлар, чойхона қурилмоқда, бошқа қулайликлар яратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари мажмуани янада такомиллаштириш, зиёратчилар учун барча қулайликлар яратиш бўйича тавсиялар берди. Мажмуа атрофини кенгайтириш ва ободонлаштириш, замонавий тунги ёритиш тизими билан таъминлаш зарурлигини қайд этди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 8-9 июнь кунлари Остона шаҳрида ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитидаги нутқида Самарқандда Имом Бухорий номидаги халқаро тадқиқот марказининг ташкил этилиши миллатлараро, маданиятлараро муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлишини алоҳида таъкидлади.

Янги марказ ислом маданияти ва қадриятларини тарғиб қилиш, ёшларимизни турли ёт ғоялардан асраш, уларнинг комил инсон бўлиб етишиши, навқирон авлоднинг қалбида буюк аждодларимизга муносиб бўлишдек юксак туйғуларни шакллантиришга хизмат қилади.

Шавкат Мирзиёев Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасига ташриф буюрди.

Бунёд этилаётган марказнинг умумий концепцияси, атрофини ободонлаштириш бўйича қилинадиган ишлар лойиҳаси ҳақида маълумот берилди.

Муборак Рамазон ойида бундай эзгу ишларни бошлаш ва амалга ошириш ҳар жиҳатдан хайрли ва мақсадга мувофиқдир, деди давлатимиз раҳбари. Пок ниятлар билан бошлаган ишимиз ўз мевасини беради. Яна бир жиҳатга алоҳида эътибор бериш керак. Имом Бухорий мажмуасига зиёратга келувчилар марказга ҳам киради, улар ҳақиқий ислом таълимоти тўғрисида зарур маълумотлар олади.

Лойиҳаларда мажмуа атрофини ободонлаштириш, йўлларни кенгайтириш, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қуриш ва таъмирлаш ишлари ўз аксини топган.

(Давоми 2-бетда)

БМТ БОШ КОТИБИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш 10 июнь куни Самарқандга ташриф буюрди.

Олий мартабали меҳмон Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ҳамроҳлигида Ҳазрати Хизр мажмуасида бўлди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов қабрига гул қўйиб, унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

БМТ Бош котиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг Самарқанд вилоятидаги Халқ қабулхонасига ташриф буюрди. Меҳмонга мамлакатимизда фуқаролар мурожаатлари билан ишлашнинг қонуний асослари, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган Халқ қабулхоналари фаолияти, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берилди.

Антониу Гутерриш Халқ қабулхонасидаги тиббиёт, она ва бола хоналари ҳамда фуқаролар учун яратилган шароитлар билан танишди. Фуқароларни қабул қилиш, уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш жараёнларини кузатди.

БМТ Бош котиби Самарқанд шаҳридаги "Юксалиш" маҳалла фуқаролар йиғинида маҳалла фаоллари, бу ерда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари ҳамда вилоятдаги миллий маданий марказлар ходимлари билан учрашди.

Учрашувда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, уларнинг давлат бошқаруви идоралари билан ижтимоий шериклик асосида амалга ошираётган ишлари ҳақида сўз юритилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 3 февралдаги "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида тизимда амалга оширилаётган янгилик ва ўзгаришлар, уларнинг ҳудуд ободлиги, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришдаги аҳамияти, фуқаролар йиғини қошидаги комиссиялар фаолияти тўғрисида сўзлаб берилди.

Антониу Гутерриш бугунги кунда сайёрамизнинг турли минтақаларида миллатлараро келишмовчилик ва бир-бирини тушунмаслик оқибатида ҳар хил низолар келиб чиқаётгани, бундай нохуш ҳолатлар наинки ўша миллатлар, балки дунё халқлари бирдамлиги, хавфсизлигига таҳдид солаётганини таъкидлади. Ана шундай мураккаб шароитда Ўзбекистонда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакилларининг аҳил-иноқ, ҳамжиҳат ҳаёт кечираётгани, бунда маҳалла институти муҳим ўрин тутаётгани таҳсинга сазовор эканини қайд этди. Ўзбекистондаги тинчлик-осойишталик, барқарорлик ва бағрикенглик муҳити БМТнинг асосий мақсад ва тамойилларига тўла мос эканини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН МАҲСУЛОТЛАРИ БАРЧАНИНГ ЭЪТИБОРИНИ ТОРТМОҚДА

Остона шаҳридаги ЭКСПО – 2017 халқаро ихтисослаштирилган кўргазмада 120 дан ортиқ давлат ўзининг технологик, илмий, маданий ютуқларини намойиш этмоқда. Ўзбекистон павильони кўргазма иштирокчилари ва меҳмонлари эътиборини жалб қилмоқда.

ЎзА махсус мухбири Бекзод Ҳидоятов уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

Майкл ХОИ, "Zoodel" компанияси таъсисчиси (Швецария):

– Ўзбекистон павильони бизда катта таассурот уйғотди. Мамлакатингиз энергетика соҳасида юксак натижаларга эришганига гувоҳ бўлдик. Табиий ва минерал ўғитларга бой. Иқтисодий салоҳияти юксалиб бормоқда. Ёшларнинг робототехника йўналишида қўлга киритаётган ютуқлари бизнинг ҳавасимизни келтирди.

Кўргазмадан ўрин олган маҳсулотлар Ўзбекистон қўлга киритаётган ютуқларни ёрқин ифодалаб турибди.

Али Салмон АНЧАН (Покистон):

– Мутахассислигим дизайнер-санъатшунос бўлгани учун кўргазмада иштирок этаётган мамлакатлар павильонининг декорацияси билан қизиқмоқдаман.

Барча павильонни айланиб чиқиб, Ўзбекистонники сингари бетакрор дизайнга кўзим тушмади. Бир қарашда оддий, содда кўринса-да, дид билан безатилган. Ёруғлик меъёрида. Ранглар наинки ЭКСПО – 2017 мазмун-моҳиятига, кўргазмага қўйилган маҳсулотларга ҳам уйғун равишда танланган, мамлакатингиз байроғидаги ранглар акс эттирилгандек гўё. Бу ерга кирган одам руҳан дам олади. Фикри тиниқлашади.

(Давоми 2-бетда)

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Олий Мажлис Сенати аъзоларининг бир гуруҳи Сурхондарё вилояти Шеробод туманида бўлиб, аҳоли билан мулоқотлар ўтказди. Ўрганишлар натижаси халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида муҳокама этилди.

• Қибрай туманидаги Дўрмон маданият саройида "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди.

• Жиззахда "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши томонидан "Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини кенг тарғиб қилиш – муҳим вазифа" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

• Сирдарёда умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида футбол бўйича "Камолот" кубоги" турнирининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди. Мусобақада 6 жамоа – Навоий, Хоразм, Жиззах, Қашқадарё, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳри вакиллари ўзаро баҳслашди.

• Наманган вилояти Уйчи туманида ёшлар бандлигини таъминлаш масаласига бағишланган семинар ва меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Семинар доирасида ўтказилган меҳнат ярмаркасида тумандаги ташкилот ва корхоналар 130 бўш иш ўрни билан иштирок этди. Иш сўраб мурожаат қилган 65 нафар ёшлардан 50 нафари ишга жойлашиш учун йўлланма олди. 15 нафарига меҳнат қонунчилиги ва бошқа ижтимоий масалалар бўйича ҳуқуқий маслаҳат берилди.

ЖАҲОНДА

• Гаити жанубида юк машинасининг катта тезликда аҳоли гавжум жойга кириб бориши натижасида 12 киши ҳалок бўлди.

• АҚШда вертикал фермалар тобора оммалашиб бормоқда. Яъни, катта шаҳарлар шароитида кўп жойни эгалламайдиган – мева-сабзавотлар узунасига шаклда етиштириладиган бундай фермаларни жорий этиш мақбул деб топилди ва бу янгилик ҳозирда ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда.

• Париждаги ресторанлардан бирига номаълум кимсанинг Молотов коктейлини ирғитиши оқибатида 12 нафар одам турли даражадаги тан жароҳатини олди.

БАРЧА СОҲАЛАРДА ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИНИ ЯНАДА ОШИРИШ, ИЖРО ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ – ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз Шавкат Мирзиёев иқтисодиётнинг айрим соҳа ва тармоқларида биринчи ярим йиллик якуни бўйича кутилаётган натижалар ҳақида сўз юритиб, бу борада қатор комплекслар, вазирлик ва тармоқлар раҳбарларига жиддий эътирозлар борлигини қайд этди. Масалан, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компаниясининг қўшма корхоналарида газ қазиб чиқаришда қолоқликка йўл қўйилмоқда. Енгил, озиқ-овқат, чарм-пойабзал саноатининг айрим корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш етарли даражада таъминланмаган.

Йиғилишда таъкидланганидек, жойларга бориб, ҳар бир вилоятнинг ўзида қўшимча резерв ва имкониятлар излаб топиш, шу асосда истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш амалиёти ижобий натижа бермоқда. Бугунги кунгача умумий қиймати 23 триллион сўмдан ортиқ 1260 лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича янги имкониятлар мавжудлиги аниқланди. Шу билан бирга, ҳудудларни ривожлантириш, ички бозорни маҳсулотлар билан тўлдириш, экспорт ҳажмини кўпайтиришга, энг муҳими, одамларни иш билан таъминлаш, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга йўналтирилган ушбу муҳим лойиҳаларни амалга оширишда ҳам, афсуски, оқсоқлик ва камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Президентимиз ҳудудларни ривожлантириш борасида давлат органларининг ўрни ва масъулияти ҳақида сўз юритар экан, ўтган ҳафтада Самарқанд вилоятига ташрифи давомида айрим раҳбарларнинг бефарқлиги ва ҳаракатсизлиги оқибатида бу ҳудудда жуда кўплаб жиддий муаммолар тўпланиб қолгани маълум бўлганини қаттиқ танқид қилди. Айниқса, вилоят ҳокими ва унинг ўринбосарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, вилоят идоралари раҳбарлари ўртасида амалий ва соғлом муносабатга путур етгани Самарқанднинг бугунги тараққиётига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Вилоят ҳокимининг жамоатчилик ва раҳбарлар фикрини инобатга олмасдан иш тутиши, ижрочилар олдига саёз ўйланган вазифа ва топшириқларни қўйиши, унда журъат ва ташаббускорлик, масъулиятни дадиллик билан ўзига олиш фазилатлари етишмаслиги ҳозирги вақтда вилоятда ўта жиддий ва долзарб вазифаларни ҳал этиш имконини бермаяпти. Халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот мавжуд эмас, оммавий ахборот воситалари билан алоқаларда узилиш пайдо бўлган.

Мазкур ҳудудда барпо этилаётган объектларни қуриш, инвестиция маблағларини ўзлаштириш ишлари оқсамоқда, экспортга чиқариладиган маҳаллий маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш таъминланмаяпти. Шаҳар ва туманларда ободончилик, одамлар учун қулай, тоза-озода муҳит яратиш масалалари ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Вилоят молия ва солиқ идоралари солиқ базасини кенгайтириш имкониятларини излаш ва уларни тўлиқ ишга солиш ишлари билан етарли даражада шуғулланмаяпти. Ана шу муаммоларни ҳал этиш, бу йўлда бутун Самарқанд аҳлини бирлаштириш ва ўз ортидан эргаштириш учун вилоят ҳокими Ҳ.Оқбўтаевда билим ва салоҳият, раҳбарлик тажрибаси етишмади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Самарқанд вилояти ҳокими Ҳ.Оқбўтаев иш фаолиятида йўл қўйган ана шундай жиддий камчилик ва нуқсонлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди.

Йиғилишда мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳот ва давлат дастурларининг пировард мақсади аҳоли турмуш даражасини ва сифатини оширишга, уларнинг оғирини енгил қилиш ва халқ дастурхонининг тўкин-сочин бўлишини таъминлашга йўналтирилгани алоҳида таъкидланди. Шунинг учун ҳам жойларда халқ билан мулоқот, аҳолини ўйлантираётган ташвиш ва муаммоларни ҳар томонлама ўрганиш асосида қабул қилинаётган ҳар бир қонун, фармон ва қарор ижроси қаттиқ назоратга олиниши ва сўзсиз бажарилиши лозимлиги уқтириб ўтилди.

– Бу бизнинг доимий, қатъий сиёсатимиз ва уни албатта охирига етказамиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда кун тартибидаги масалалар юзасидан Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимларининг ҳисоботлари атрофлича муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎзА

ХАЛҚ РОЗИЛИГИ – ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Президенти 21 май куни Саудия Арабистонида бўлиб ўтган Араб-мусулмон мамлакатлари ва АҚШ саммити доирасида Ислом тараққиёт банки президенти Бандар Ҳажар билан учрашди. Ана шу мулоқот асносида Ўзбекистон ҳукумати билан Ислом тараққиёт банки ўртасида Имом Бухорий номидаги халқаро тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида Англашув меморандуми имзоланди. Мазкур ҳужжат ижроси юзасидан бугун тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Президентимиз ташкил этиладиган марказ Тошкент ислом университети билан яқин ҳамкорлик қилиши, унинг фаолиятида хорижий давлатлардан ислом маданияти бўйича етук мутахассислар иштирокини таъминлаш зарурлигини қайд этди.

Давлатимиз раҳбари Пайариқ туманида икки ва уч қаватли замонавий уй-жойлар қуриш лойиҳаси билан ҳам танишди. Қурилаётган уй-жойларнинг сифатли бўлишига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев тумандаги "Тўполос" фермер хўжалигига ташриф буюриб, фермер ва деҳқонлар билан мулоқотда бўлди.

Мазкур хўжалик 38,6 гектарда пахта, 28 гектарда ғалла экган. Айни кунларда ғалла ҳосили пишиб етилган.

Президентимиз қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги билан қизиқди. Пахта ва ғалла майдонларини кўздан кечирди.

Шавкат Мирзиёев раислигида вилоят раҳбарлари, мутасаддилари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят иқтисодиётини юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар, истиқболдаги долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

Абу Бакир ЎРОЗОВ,
ЎзА махсус мухбири

ЎЗБЕКИСТОН МАҲСУЛОТЛАРИ БАРЧАНИНГ ЭЪТИБОРИНИ ТОРТМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон ҳақида, унинг бой тарихи ва бетакрор маданияти ҳақида жуда кўп эшитганман. Павильон билан танишар эканман, ўзимни юртингизда юргандек ҳис қилдим.

Пенг Зи ЗИ, Жаҳон савдо маркази лойиҳа раҳбари (БАА):

– Ўзбекистон павильони кўргазма мавзусига мос интерфаол усулда лойиҳалаштирилган. Шу боис бу ер жуда гавжум. Муҳими, ташриф буюрувчилар мамлакатингизнинг сув, қуёш, шамол энергияси ва робототехника соҳаларида амалга ошираётган ишлари, қўлга киритаётган ютуқлари ҳақида муайян маълумотга эга бўлмоқда.

Мен Ўзбекистон павильонини "миллийлик ва замонавийлик акс этган макон", деб атаган бўлардим.

ЭКСПО – 2020 Дубайда ўтказилади. Мазкур кўргазмада Ўзбекистоннинг ҳам иштирок этишини чин юракдан истаймиз.

Дуглас КЛАН, иштирокчи (Канада):

– Ўзбекистон павильони барчада катта қизиқиш уйғотмоқда.

Мен бу ерда нафақат келажак энергияси қандай бўлиши ҳақида маълумотга эга бўлдим, балки оддий сув ёрдамида ҳаракатланадиган ихчам автомобиль ва қуёш нуридан қувватланадиган "Ravon"ни ўз кўзларим билан кўрдим. Юртингизнинг бой маданий мероси, тарихи ва бугуни билан танишдим. Жуда ажойиб!

Цзян ЛИ, Хитой миллий нефтгаз корпорацияси бош менежери:

– Ўзбекистоннинг газ ва электр энергиясини тежаш ва ундан самарали фойдаланиш тўғрисидаги ғояси таҳсинга лойиқ.

Мамлакатингизнинг келажак энергияси бўйича тажрибасидан намуна олса арзийди. Экспозицияга қўйилган маҳсулотлар кўргазма иштирокчиларида катта таассурот қолдирмоқда. Буни уларнинг юз-кўзларидан билса бўлади.

ЎзА

БМТ БОШ КОТИБИ ЎЗБЕКИСТОНДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш Қорақалпоғистон Республикаси ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмонни Нукус халқаро аэропортида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М.Ерниязов кутиб олди.

Орол денгизи ва унинг атрофидаги экологик вазиятни барқарорлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар тақдимоти ўтказилди.

БМТ Бош котибига Орол денгизининг бугунги аҳволи ва минтақадаги экологик вазият ҳақида сўзлаб берилди. Бир вақтлар мавж уриб турган денгизнинг суви кейинги 50-55 йилда 15 мартадан зиёд камайиб, сув сатҳи 29 метрга пасайган, ҳудудда 5,5 миллион гектар тузли қум майдонлари ҳосил бўлган. Бу ҳолат минтақа табиати, одамлар ҳаёти, ўсимликлар ва ҳайвонот оламига салбий таъсир кўрсатмоқда. Денгизнинг қуриган ҳудудида 350 минг гектар майдонда иқлимга мос қандим, черкес, саксовул экилиб, тузли чанг-тўзон кўчишининг олди олинмоқда.

Мамлакатимизда Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни барқарорлаштириш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш мақсадида умумий қиймати 4 миллиард сўмликдан зиёд 50 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилди. 2017-2021 йилларга мўлжалланган дастур асосида Мўйноқ туманида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Антониу Гутерриш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов ҳамроҳлигида Орол денгизи акваториясида бўлди. Мўйноқ туманидаги "Кемалар қабристони"ни кўрди, жамоатчилик вакиллари билан учрашди. БМТ томонидан ҳудудда амалга оширилаётган лойиҳалар самараларига эътибор қаратди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби И.Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейи экспонатларини кўздан кечирди.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
Аминбой ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбирлари

МАҲАЛЛА – ЖАМИЯТ КЎЗГУСИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳузуридаги Ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича комиссиясининг Тошкент шаҳар ҳудудий комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, шаҳар ҳокими Р.Усмонов олиб борди.

Унда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бошқаруви бўлими томонидан жойларда амалга оширилаётган ишлар кўриб чиқилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунига кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, ошкоралик, ижтимоий адолат, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда эркинлик, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам, ижтимоий шериклик, миллий урф-одатлар ва анъаналарни ҳисобга олишдан иборатлиги белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига биноан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни самарали ҳал қилишдаги ролини ошириш, фуқаролар йиғинларининг муштарак манфаатларини ифода этадиган уюшмага бирлашиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Фуқаролар йиғинлари Кенгаши томонидан ҳудудда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш ишлари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида 505 та маҳалла фуқаролар йиғинларида жамоатчилик назоратини амалга оширувчи масъуллар белгиланиб, аҳоли, биринчи навбатда ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлашда бандликка кўмаклашувчи туман марказлари, жамоат тартибини ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда, жумладан фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ишларда, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда иш олиб борилиши йўлга қўйилган.

Шунингдек, бундай ҳамкорлик ҳудудлардаги умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлардаги ўқувчиларнинг тўлиқ давоматини таъминлаш, таълим-тарбия сифати устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича таълим муассасалари, ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқлаш ҳамда уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича молия ва соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳам олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, эҳтиёжманд оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ҳамда тўлаш тартибини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда янада такомиллаштириш мақсадида "Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг янги таҳririни ишлаб чиқиш ва киритиш устида Республика бошқаруви билан биргаликда иш олиб борилаётганлиги таъкидланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2017 йил 31 мартдаги "Тошкент шаҳрининг туманлари ҳудудида "Замонавий маҳалла" марказлари намунавий лойиҳасини жорий қилиш тўғрисида"ги қарорига биноан "Замонавий маҳалла" намунавий лойиҳаси асосида қуриладиган Маҳалла марказларида маҳалла оқсоқоли, маслаҳатчилари, профилактика инспекторлари учун хоналар, қариялар дам олиш хонаси, кутубхона, коммунал тўловларни қабул қилиш шоҳобчаси, барча шароитлари мавжуд ўриндиқлар, болалар майдончалари ҳамда дам олиш майдончалари, ёшлар учун спорт иншоотлари, гўзаллик салони, новвойхона, маиший хизмат шохобчаларини ташкил этиш кўзда тутилганлиги, бу борада давомли ишлар олиб борилаётганлиги қайд этиб ўтилди.

Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда аҳоли, хусусан, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш борасида фуқаролар йиғинларида тегишли ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда профилактик тадбирларни амалга ошириш тизимини жорий этиш мақсадида 2017 йилнинг 5 ойи давомида 1928 маротаба тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилган. Мазкур тадбирларда 244 минг 360 дан ортиқ аҳоли, шу жумладан 124 мингдан ортиқ ёшларнинг иштироки таъминланган.

Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, маслаҳатчилари ва "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмаси раҳбарларининг ўз ҳудудларида содир этилган жиноятлардан, профилактик ҳисобда турганлар, маъмурий назорат остига олинганлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмаслиги, профилактика инспекторлари билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилмаганлиги танқидий кўриб чиқилди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳудудий комиссияси ва Доимий ишчи гуруҳлари аъзолари, туман ҳокимликлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Тошкент шаҳар ва туман бўлинмалари маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги масалалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилишларида атрофлича муҳокама қилиниб, қайд этилган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш белгиланди.

Ота-она қаровисиз қолган вояга етмаганларга васий (ҳомий)ларни белгилаш бўйича тегишли ҳамкор ташкилотларга тавсиялар киритиш ва уларнинг доимий назоратини таъминлаш, дарс машғулотларига узрли сабабларсиз келмаётган ёки мунтазам равишда қатнашмаётган ўқувчиларнинг ота-оналарига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нисбатан тегишли чора кўриш тўғрисида туман вояга етмаганлар ишлари бўйича Комиссиясига таклифлар киритилиши, кам таъминланган оилалар ва уларда тарбияланаётган ўқувчиларга моддий ёрдам кўрсатиш чоралари белгиланди.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, яраштириш комиссиялари, маҳалла посбонлари жамоат тузилмалари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, таълим муассасалари ва фуқаролар билан ҳудуддаги турли салбий иллатлар, ижтимоий-иқтисодий муаммолар, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар, жиноятлар ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳамкорликнинг ташкил этилишини янада жадаллаштирилиши масалалари атрофлича муҳокама этилди.

(Ўз мухбиримиз)

МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси томонидан давра суҳбати ўтказилди.

Қўмита раиси ўринбосари А.Хўжаев ва бошқалар миллатлараро муносабатларни ривожлантириш, халқимиз орасида бағрикенглик ва инсонпарварлик туйғуларини ривож топтириш, турли миллат ва элатлар ўртасида ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва биродарлик хислатларини мустаҳкамлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан эканлигини таъкидлади.

Мамлакатимизда хорижий мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва маданий-маърифий алоқалар тобора мустаҳкамланмоқда. Ўзбекистонда яшаб келаётган барча миллат ва элатлар тарихи, маданияти, маънавий қадриятлари, миллий анъана ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида 134 миллий маданий марказ ва 34 дўстлик жамияти фаолият кўрсатмоқда.

Президентимиз томонидан илгари сурилган Ҳаракатлар стратегиясида давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини, хавфсизлик ва барқарорликни, яқин қўшничилик муҳитини янада мустаҳкамлашга қаратилган муҳим вазифалар белгиланган.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 19 майдаги "Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони жамиятда барқарорлик, тинчлик ва тотувликни таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Фармонда янги ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси зиммасига давлат органларида миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш, мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элат вакилларининг миллий анъаналари, урф-одатлари ва маросимларини асраш ва ривожлантиришга кўмаклашиш вазифалари юкланган.

Давра суҳбатида фармонда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича бажарилаётган ишлар, галдаги вазифалар ҳақида сўз юритилди.

ЎзА

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

АРХИВ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

9 июнь – Халқаро архивлар куни муносабати билан Тошкент шаҳар давлат архивининг Учтепа тумани филиали биносида Архив хизматларини кўрсатиш маркази очилди.



"Ўзархив" агентлиги бош директори У.Аъламов ва бошқалар архив муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, уларда замон талаблари асосида иш юритишни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар фуқароларга ижтимоий соҳада кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади. Мамлакатимизда архив соҳасини ривожлантириш, Ўзбекистон Республикаси миллий архив фонди ҳужжатларини жамлаш, давлат ҳисоботини юритиш, сақловини таъминлаш ва улардан фойдаланиш ишларини ташкил этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда архив муассасаларига жисмоний ва юридик шахслар томонидан келиб тушаётган сўровлар ва мурожаатлар сони тобора ортиб бормоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида олтмиш саккиз минг тўрт юздан зиёд сўров келиб тушган. Уларнинг учдан бир қисми Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган 5 архив муассасасига тўғри келмоқда.

"Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилган мазкур марказ пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган архивларга келиб тушаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг сўровлари ва мурожаатларини марказлаштирилган ҳолда "Ягона дарча" тамойили асосида бир жойда қабул қилиш, қайта ишлаш, ижрочиларга юбориш, ижросини назорат қилиш, тайёрланган архив маълумотномаларини ўз эгаларига тақдим этиш ишларини мувофиқлаштириб боради. Марказ мутахассислари томонидан фуқароларга архив фондлари ва ташкилотларнинг ҳужжатлари сақланаётган жой манзили тўғрисида тезкор маълумотлар берилади.

Марказда архив соҳасида катта тажрибага ва компьютер саводхонлигига эга бўлган мутахассислар фаолият юритади. Марказда бир вақтда 12 фуқаронинг сўрови қабул қилиниб, электрон навбат тизими жорий этилган.

– Жорий йилда архив муассасаларига 1 минг 700 дан ортиқ тадбиркорлик субъектидан ҳужжатлар қабул қилинган, – дейди ЎзА мухбирига Тошкент шаҳар давлат архиви директори Феруза Дадаева. – Аввалари тадбиркорлар ҳужжатларини архивга топшириш жараёнида баъзи оворагарчиликлар бўлар эди. Ташкил этилган ушбу марказда пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг архив ҳужжатлари марказлашган ҳолда давлат сақловига қабул қилинади. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, ташкилотларга ушбу марказ хизматидан фойдаланиб, архив ҳужжатларини сақловга ёки депозитар сақловга топшириш имконияти яратилди.

Марказнинг ишга туширилиши, биринчи навбатда, Тошкент шаҳрининг турли ҳудудларида жойлашган архивларга бориш билан боғлиқ фуқаролар ва тадбиркорларнинг ортиқча оворагарчилигини олдини олиб, вақт ва маблағ сарфлашни бартараф этади.

– Марказнинг ишга туширилиши фуқаролар, айниқса, кексалар учун жуда қулай бўлди, – дейди пойтахтимизнинг Олмазор туманида истиқомат қилувчи Мурофат Содиқова. – Бу ерга пенсияга чиқиш ҳужжатларини тайёрлаш учун келдим. Марказ мутахассислари менга бу борада йўл-йўриқ кўрсатиб, керакли маълумотларни тез ва осон тақдим этди.

Г.САТТОРОВА

ТАБИИЙ БОЙЛИКЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

газ ва электр энергияси қарздорлиги устидан назорат кучайтирилади

Бугун дунёда ёқилғи-энергетика тақчиллиги кузатилмоқда. Бу муаммо юксак тараққий этган давлатларни ҳам қаттиқ ташвишга солган. Шукрки, саховатли заминимиз табиий заҳираларга бой. Мамлакатимизда эса бу соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида электр энергияси ва бошқа манбаларнинг ҳам ишлаб чиқариш ҳажми муттасил ошмоқда. Лекин бу борада табиий заҳираларимиз етарли, деб табиат бизга инъом этган бебаҳо неъматларни ҳуда-беҳуда сарф қилаверишимиз ҳам тўғри эмас...

Маълумки, газ, сув, электр манбаи каби неъматлар кундалик ҳаётимизни чароғон қилади, қулайликлар яратади. Улар аллақачон ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган ва бу неъматларнинг бирортасидан бахраманд бўлолмай қолсак, турмушимизда анчагина ноқулайликлар, қийинчиликлар туғилади. Лекин, гоҳида шу неъматлар учун ҳақ тўлашга келганда ғирромлик қилишга ўтамиз. Улардан истаганча фойдаланамизу лекин пулини тўлашга келганда оғринамиз.

Кўп ҳолларда қарз деганда, фақат одамлар орасидаги ўзаро олди-бердиларни тушунган ва тўланмай қолаётган коммунал тўловларни гарданида қарз ҳисобламай, бир неча юз минглаб қарзи бўлгани ҳолда, жуда хотиржам юрган одамлар ҳам учраётгани бор ҳақиқат.

ТАЛАБ, ХИЗМАТ... ВА ШИКОЯТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 23 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган 2017-2021 йиллар давомида паст кучланишли электр тармоқларини янада модернизация қилиш ва янгилаш дастури доирасида 2,5 миллион нафардан ортиқ истеъмолчиларнинг энергия таъминотини яхшилаш мақсадида 34 минг километр электр тармоқлари ҳамда 6,9 минг дона трансформаторларни модернизация қилиш бўйича 835,9 миллион АҚШ доллари қийматидаги ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, соҳада юзага келган аҳвол ва қонунийлик ҳолатининг таҳлили ўз ечимини кутаётган жиддий муаммо ҳамда камчиликлар мавжудлигига қарамасдан, мутасадди идоралар томонидан уларни бартараф этиш бўйича аниқ чоралар кўрилмаётганлигини кўрсатмоқда.

Масалан, 2016 йилда электр ва газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш, ҳисобга олиш асбобларига шикаст етказиш ва уларнинг кўрсаткичларини ўзгартириш каби ҳуқуқбузарликлар 2014 йилга нисбатан 48 фоизга ошган.

Электр ва газ таъминоти корхоналари томонидан истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш ҳамда тўловларни амалга ошириш учун қулай шароитлар яратилмаган, замонавий электрон тўлов тизимлари етарли даражада жорий этилмаган, хизмат кўрсатиш маданияти бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига электр ва газ таъминоти масалалари бўйича келиб тушган 43 мингдан ортиқ шикоятлар ҳам бундан далолат беради.

МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Мажбурий ижро бюроси тузилади. У энергия ресурслари учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини, истеъмолчиларнинг қарздорлиги камайтирилишини таъминлашга жавобгар ҳисобланади. Янги хизмат электр, газ узатиш ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-торож ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш билан шуғулланади.

Бу каби чоралар 2017 йил 29 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида кўзда тутилган.

Мажбурий ижро бюроси қуйидаги ваколатларга эга бўлади:

– энергия ресурслари етказиб берилиши ва истеъмолини ҳисобга олишнинг тўлиқлиги ҳамда ҳаққонийлиги, ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан текширишлар ўтказиш;

– етказиб берилган энергия ресурслари учун қарздорликни истеъмолчилар — юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг банк ҳисобрақамларидан сўзсиз ундириш ҳақида бажарилиши мажбурий бўлган инкасса топшириқномалари қўйиш;

– етказиб берилган энергия ресурслари учун ЭКОИҲнинг икки бараваридан кўп бўлмаган миқдордаги қарздорликни ходим — истеъмолчиларнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш ҳақида иш берувчиларга бажарилиши мажбурий бўлган талабномалар юбориш;

– энергия ресурслари истеъмоли, тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқлигини назорат қилиш ва мониторингини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни вазирликлар, идоралар, бошқа ташкилотлар ва фуқаролардан талаб қилиб олиш;

– жисмоний ва юридик шахсларга энергия ресурслари учун қарздорликни бартараф этиш ҳақида бажарилиши мажбурий бўлган талабномалар юбориш;

– энергия ресурсларини етказиб бериш ва истеъмол қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга белгиланган тартибда молиявий санкция қўллаш;

– вазирликлар, идоралар, бошқа ташкилотлар, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига энергия ресурсларини етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон бераётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек, энергия ресурслари учун ҳисоб-китобларни мунтазам равишда амалга оширмаётган истеъмолчиларга нисбатан жамоат таъсир чораларини кўриш ҳақида тақдимномалар киритиш;

– энергия ресурслари учун ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаган, Бюро талабномалари ижро этилмаган ҳолларда, шунингдек, электр, газ узатиш ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-тарож ҳолатлари аниқланганда, истеъмолчиларни электр ҳамда газ тармоқларидан узиш;

– энергия ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳолатлари бартараф этилган ҳамда тўловлар тўлиқ амалга оширилганда, илгари электр ва газ тармоқларидан узиб қўйилган истеъмолчиларни қайта улаш;

– энергия ресурсларидан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чоралар кўриш;

– энергия ресурслари истеъмолини назорат қилиш ва ҳисоблаш тизимини ҳамда ускуналарининг созлик ҳолатини мониторинг қилиш.

ҚАРЗДОРЛИК МАВЖУД БЎЛГАНДА ТАРМОҚДАН УЗИЛАДИ

Ҳужжатда ҳисоб-китоб ҳамда энергия ресурслари учун қарздорлик мавжуд бўлган тақдирда, истеъмолчиларни тармоқдан узиш тартиблари аниқлаштирилди. Унга кўра, 2017 йил 1 июлдан бошлаб истеъмолчилар — жисмоний шахслар ҳар ойнинг 10 санасига қадар ўтган ойда истеъмол қилинган энергия ресурслари учун тўлиқ ҳисоб-китоб қилишлари шарт.

Юридик ва жисмоний шахсларга энергия ресурсларини етказиб бериш 100 фоизлик олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳолларда, мазкур истеъмолчиларга нисбатан электр ва газ тақсимлаш тармоқларидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар кўрилади. Бунда электр ва газ тармоқларидан илгари узиб қўйилган шахсларни қайта улашда истеъмолчи — жисмоний шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида, истеъмолчи — юридик шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилади.

СУД ДЕПАРТАМЕНТИ ТУГАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаменти фаолиятини ташкил этишда юзага келган жиддий камчиликлар фуқаролар, жамият ва давлат манфаатлари ҳимоя қилиниши ҳамда электр энергияси ва табиий газ учун тўловларнинг ўз вақтида ундирилишини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда ушбу тизимда иш ҳажмининг сезиларли даражада ортгани, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишдаги сусткашликлар ундирувларнинг пасайишига ҳамда ижро иши юритишни асоссиз тўхтатиш ва тамомлашга олиб келмоқда.

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг амалдаги ижроси 2016 йилда амалда атиги 45 фоизга бажарилгани ҳам шундан далолат беради.

Фармонда қайд этилишича, Суд департаменти тугатилиб, "Ўзбекэнерго" ва "Ўзтрансгаз" компанияларининг истеъмолчилар билан ишлаш бўйича электромонтёр ҳамда табиий газни ҳисобга олиш ва реализация қилиш бўйича назоратчи штат бирликлари қисқартирилди.

Мажбурий ижро бюросининг давлат ижрочиларига — суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатлари ижросини, давлат инспекторларига эса — етказиб берилган энергия ресурслари учун тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ундиришни амалга ошириш юклатилади.

ЯГОНА БИЛЛИНГ ТИЗИМИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

"Ўзбекэнерго" ва "Ўзтрансгаз" компанияларида тузилган шартномаларга асосан истеъмолчиларни энергия ресурслари билан таъминлаш, электр ва газ тақсимлаш тармоқларига техник хизмат кўрсатиш вазифа ҳамда функциялари сақланиб қолмоқда.

Фармонда электр энергияси ва табиий газдан фойдаланишни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини ҳамда бошқа замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар назарда тутилди.

Хусусан, истеъмолчилар билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг ҳолати ҳақидаги ҳаққоний маълумотларни берадиган ва электрон тўлов тизимлари билан интеграция қилинган. Уй-жой коммунал, электр ва газ таъминоти хизматлари кўрсатишнинг ягона биллинг тизими ташкил этилади. Мазкур тизим истеъмолчиларга қарздорлик мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни электрон шаклда олиш ҳамда тўловларни амалга ошириш имконини беради.

ИДОРАЛАРАРО ЭЛЕКТРОН ҲАМКОРЛИК

Қарздорликни ундириш масалалари бўйича идоралараро электрон ҳамкорликнинг ягона тизими ҳам яратилади. Ушбу тизим жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкий ҳолати ҳақидаги маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда қарздорликни ундириш самарадорлигини оширади.

Шунингдек, фармон ижроси доирасида манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан энергия ресурслари истеъмолчилари хатловдан ўтказилади. Бунда кадастр ҳамда лойиҳа ҳужжатлари, шартномалар, тармоқларга уланиш схемалари, ҳисобга олиш асбоблари ва уларнинг созлиги ўрганилиб, амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда ушбу соҳада қонунийликни таъминлаш чоралари кўрилади.

УНУТМАНГ: *Кўрсатилган коммунал хизматлар учун тўланадиган ҳақ яшаш бошланган ойдан кейинги ойнинг ўнинчи санасидан кечикмаган ҳолда ҳар ойда тўланиши керак.*

Одамзод дастлаб электрни кашф қилганида, бу кашфиёт инсониятга қанчалик кераклиги ҳақида бош қотириб, лекин келажак авлодлар уни қандай ва қанча сарф қилиши мумкинлиги ҳақида ўйламаган. Одатда нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини исроф қилиш катта гуноҳ ҳисобланади. Бу борада панду насиҳатларни кўп эшитамиз. Бироқ айрим ҳолларда беҳуда сарф қилинаётган сув, газ ёки электр эса исроф бўлаётганига эътибор бермаймиз. Халқимизда "Қарс икки қўлдан" деган ибора бор. Хонадонимизда электр энергияси ва табиий газнинг узлуксиз бўлиши учун ундан тежаб-тергаб фойдалансак, хизматлар учун тўловларни ўз вақтида амалга оширсак соҳанинг янада ривож топишига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Ш.ДЖУРАБАЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори

Таълим

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА – ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАР

Миллий матбуот марказида "Олий таълим тизимида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида белгиланган халқаро ҳамкорлик масалалари" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш, олий ўқув юртларида жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, педагог кадрларнинг касб маҳорати сифати ва савиясини узлуксиз юксалтириш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув услубий материалларни кенг жорий қилиш каби масъулиятли вазифалар қўйилганлигини таъкидлади.

Бу борадаги ишларни амалга оширишда, Президентимизнинг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори дастуруламал бўлмоқда.

Жумладан, АҚШ, Жанубий Корея, Германия, Франция, Япония каби 17 та мамлакатларнинг олий таълим муассасаларидан жалб этилган 102 нафар мутахассислар иштирокида илғор хорижий тажрибалар асосида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг устувор йўналишлари бўйича янги ўқув режа ва дастурлари ишлаб чиқилди.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари педагоглари салоҳиятини янада мустаҳкамлаш мақсадида жаҳоннинг етакчи университетларида таҳсил олган, хорижда малака оширган, соҳанинг тажрибали мутахассис ва амалиётчиларидан иборат номзодлар базаси шакллантирилди. Уларга Россия, АҚШ, Буюк Британия, Австралия, Австрия, Япония, Корея, Португалия, Франция, Германия ва бошқа давлатлардан 170 нафар мутахассислар қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида дарс машғулотларини олиб борди.

2017-2018 ўқув йилларида хорижий давлатларнинг олий таълим муассасалари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказларидан 350 нафар вакиллар ўқув жараёнига жалб этилиши режалаштирилган.

Ҳар йили давлат бюджети ҳисобидан 760 нафар профессор-ўқитувчилар чет эл таълим муассасалари ва илмий марказларда малакасини ошириш, битирувчиларни докторантура ва магистратура дастурлари бўйича ўқитишни ташкил қилиш бўйича тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистондаги Британия Кенгаши билан ҳамкорликда номзодларни инглиз тили бўйича тайёргарлигини такомиллаштириш мақсадида ўқув курслари ташкил этилади.

Эндиликда курслардан биринчи маротаба ўта олмаган тингловчиларнинг курсларни такроран ўзлаштириши бир йилгача муддатда асосий ишдан ажралмаган ҳолда ўқув дастурларини мустақил равишда ёки масофавий таълим технологияларидан фойдаланиш орқали ўзлаштириши асосида амалга ошириш жорий этилди, – дейди Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий методик маркази директори ўринбосари Муҳаббат Мирсолиева. – Масофадан ўқитиш курсларининг он-лайн ва оффлайн технологияларига асосланган дастурий ўқув методик ресурсларини яратишда ҳам илғор хорижий тажрибалардан кенг фойдаланилади.

Анжуманда журналистларнинг барча саволларига тўлиқ жавоб қайтарилди.

Гулнигор САТТОРОВА

Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар

Ҳурматли ҳамшаҳарлар!

Тошкент шаҳрида 2017-2018 йилги иситиш мавсумига сифатли тайёргарлик кўриш мақсадида 2017 йил 19 июндан 11 августгача иссиқлик истеъмолчиларини иссиқ сув бўйича чегараламаган ҳолда механик мустаҳкамлик ва зичликка (юқори босим) иссиқлик тармоқлари синовлари ўтказилади.

Иссиқлик манбаларининг амал қилиш зоналари манзилий рўйхати:

1-ИМ (М-1,4)
29 июнь ва 7 август – Мустақиллик шоҳ кўчаси, Мирзо Улуғбек, Буюк Ипак йўли, Қори Ниёзий, Муҳаммад Юсуф, Сайрам, Тамарахоним, Оққўрғон, Оққўрғон 1-тор кўчаси, Осиё, Навнихол, Бўз, Сайрам 6-тор кўчаси, Чуст, Мираимов, Катта Дархон, Геология, Бодомзор йўли, И.Мўминов, Ниёзбек йўли, Кичик ҳалқа йўли, Дўрмон йўли, Шаҳриобод, Зиёлилар, Мирзакалон Исмоилий, Боғишамол, Паркент, Каландар, Ясси, Тамарахоним тор кўчаси кўчалари, Тошқишлоқмаш, Мавлоно Риёзий, Яланғоч, Бўз-1 даҳалари, Тош ГРЭС посёлкаси, Ҳамид Олимжон майдони.

2-ИМ
3 июль ва 26 июль – Мирзо Улуғбек, Темур Малик, Авайхон, Мингбулоқ, Феруза, Миришкор, Ш.Бурхонов, Р.Хамроев, Шаҳриобод, Салом, Дўрмон йўли кўчалари, Қорасув-1,2,3,4,6, Ҳумоюн, Феруза, Бўз-2 турар жой даҳалари, Геофизиклар посёлкаси.

3-ИМ (М-1,4)
19 июнь ва 3 август – Бунёдкор шоҳ кўчаси, Навоий, Олмазор, Беруний, Ислом Каримов, Қоратош, Фурқат, Афросиёб, Кичик ҳалқа йўли, Самарқанд Дарвоза, Абай, Абдулла Қодирий, Кўкча Дарвоза, Бешёғоч, Нурафшон, Пахтакор, Зиё, Шифонур, Талабалар кўчалари, Чорсу майдони, Чорсу, Қоратош, Олмазор, Бешёғоч, М-10,11,13,14, М-26,27,28, Б-1, Б-2, Б-3 Қорақамиш 2/1, 2/2 турар жой даҳалари.

4-ИМ (М-0,1)
22 июнь ва 31 июль – Амир Темур, Мустақиллик шоҳ кўчалари, Осиё, Боғишамол, Минор 1-берк, Бодомзор йўли, Кичик ҳалқа йўли, Ҳамид Олимжон, Мингўрик, Абдулла Қодирий, Бодомзор, Боғиравон, М. Турғунбоева, Гулсарой, Себзор, Олтинсой, Шимолий Олмазор, Зулфияхоним, Лабзак, Нурафшон, Сағбон, Қорақамиш кўчалари, 1-Қорақамиш кўчаси, М-1,2,4,5,6,12,15, М-17,18 (Себзор), Тахтапул, Қорақамиш 1/1, 1/2, 1/3, 1/4, 2/1, 2/2, 2/5-даҳалари, Ҳамид Олимжон майдони.

4-ИМ (М-4,8)
20 июнь ва 27 июль – Амир Темур шоҳ кўчаси, Аҳмад Дониш, Янгишаҳар, Деҳқонобод, Соҳибкор, Катта ҳалқа йўли, Кичик ҳалқа йўли, Чинобод, Шахристон, Уч Қаҳрамон, Мойқўрғон, Қулоқтепа, Янги Юнусобод, Юнусота, Жумамасжид, Юнусобод даҳаси 1/19-мавзелари.

5-ИМ (М-0,4)
28 июнь ва 1 август – Чилонзор даҳаси 5/12, Г9А, 16/20, 24/26, М, 20А мавзелари, Дўмбиробод, Оқтепа, Шарқ, Гулистон, Ал-Хоразмий-1,2 турар жой даҳалари, Заргарлик, Лутфий, Гулҳаний, Нурафшон, Чилонзор, Қатортол, Гулистон, Муқимий, Боғистон, Фарҳод, Чўпонота, Боғибўстон, Самарқанд дарвоза, Байналмилал, Кичик ҳалқа йўли, Наққошлик, Қозиробод, Катта Хирмонтепа, Ширин, М.Шайхзода кўчалари, Катортол 1- тор кўчаси, Оқтепа мавзеси.

6-ИМ
23 июнь ва 25 июль – Мунис, Сарикўл, Эски Сарикўл, Янгизамон, Янги Қўйлиқ, Абдурауф Фитрат, Фарғона йўли, Толлимаржон, Файзобод, Меҳржон, Сайхун, Сурхон кўчалари, Қўйлиқ-1/7, Қўйлиқ-Айланма турар жой даҳалари.

7-ИМ
21 июнь ва 21 июль – Қорасув, Бешариқ, Бирлашган, Элбек, Асалобод, Қурувчилар, Уйсозлар кўчалари, Оҳангарон шоссеси, Тузель-1,2,3,4, ДСК-1, Асалобод-1,2, Авиасозлар шаҳарчаси-1, 1а, 2,3,4-турар жой даҳалари.

8-ИМ
19 июнь ва 20 июль – Сергели 1/8А, Йўлдош- 8,15,16,17, Дўстлик-1,2-турар жой даҳалари, Янги Сергели йўли, Меҳригиё, Сўғдиёна, Қипчоқ, Чинор, Давлатобод, Дўстлик, Мирзо Турсунзода, Жаҳонаро, Қўрғонтепа кўчалари.

9-ИМ
4 июль ва 3 август – Чилонзор даҳаси 9, Г9А, 10,13/15,15А, 21/25,30,31-мавзелари, Шарқ, Ал-Хоразмий-1,2, Бешқайрағоч, Гулистон, Изза турар жой даҳалари, Тақачи, Гулистон, Ширин, Лутфий, Катта ҳалқа йўли, Ўрикзор, Катта Хирмонтепа, Кичик ҳалқа йўли, Бешқайрағоч, Тўқимачи, Нашриёт, Ю.Саккоки, Фозилтепа, Фарҳод кўчалари, Ўрикзор бозори доирасида.

10-ИМ
29 июнь ва 25 июль – Фаробий, Беруний, Мухбир, Мирзо Ғолиб, Шифокорлар, Талабалар, Қамарнисо, Катта ҳалқа йўли кўчалари, 1-Қорақамиш кўчаси, Шифокорлар 2-кўчаси, Ёшлик, Чимбой, Жарариқ, Қорақамиш-2/3, 2/4, Бешқўрғон- 1,2,3,4, Қамарнисо, ЎзМУ – ТошДТУ, Олимпия, Ибн Сино 1,2, Белтепа даҳалари, Шифокорлар шаҳарчаси.

ИЭМ (М-0)
7 июль ва 11 август – Рашидов, Бобур, Шота Руставели, Боғибўстон, Арнасой, Катта Чилонзор, Афросиёб, Шоҳжаҳон, Ж.Шоший, Шаҳрисабз, А.Авлоний, Беларик, Имом ат-Термизий, Ойбек, Миробод, Ўрикзор, Муқимий, Аския, Чўпонота кўчалари, Боғтепа 5-тор кўчаси, Жийдазор 1-тор кўчаси, Чилонзор даҳаси 1/5, Е, И-мавзелари, М-7 турар жой даҳаси.

ИЭМ (М-5,8)
30 июнь ва 4 август – Амир Темур, Мустақиллик шоҳ кўчалари, Навоий, Бобур, Глинка, Ойбек, Қумариқ, Я.Ғуломов, Зарафшон, Буюк Турон, Махтумқули, Истиқбол, Ислом Каримов, Бухоро, Истиқлол, С.Азимов, Саид Барака, Матбуотчилар, Сайилгоҳ, Элбек, Кичик ҳалқа йўли, Шаҳрисабз, Т.Шевченко, Нукус, Кичик Бешёғоч, А.Қаххор, Гейдар Алиев, Олтинводий, Фидокор, Моштабиб, Миробод кўчалари, М-1,2,4,5,7, Қушбеги, Бошлиқ, Учувчилар шаҳарчаси турар жой даҳалари.

"Водник" козонхонаси
20 июнь ва 20 июль – "Сувсоз" турар жой мавзеси доирасида, Ҳусайн Бойқаро кўчаси.


Сизнинг эътиборингизни иссиқлик тармоқлари қувурларида шикастланишлар бўлиши мумкинлигига қаратамиз. Йўлларнинг қатнов қисмига ва пиёдалар йўлига иссиқ сув сачраши мумкин, ҳайдовчилар ва пиёдалар, маъмурий ва турар жой биноларидаги одамларнинг эҳтиётқор ва эътиборли бўлишлари талаб этилади.

Вақтинчалик ноқулайликлар бўлишини тушунишингизни сўраймиз. Ноодатий ҳолларни сезсангиз 215-72-73 телефони орқали маълум қилишингизни сўраймиз.

ПОЙТАХТИМИЗДА БОБУР НОМИДАГИ ЯНГИ БОҒ ОЧИЛДИ







Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида янги боғ очилди. Унга буюк аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи берилди.

Янги боғ майдони 12 гектардан иборат бўлиб, унда югуриш ва велосипед йўлакчалари, мини-футбол, волейбол ва бадминтон майдончалари, очиқ тренажёр майдони ҳамда теннис корти, болалар учун ҳам ўйин майдончалари мавжудлиги шаҳримиз аҳолиси ва кичкинтойларга олам-олам қувонч бағишлади.

Боғнинг тантанали очилиш маросимида турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари мутасаддилари, ёзувчи ва шоирлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари, маҳалла фаоллари, ёшлар ва ОАВ ходимлари иштирок этди.

Унда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Ш.Турдиқулов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг ўринбосари К.Оқилова, Ўзбекистон халқ шоирлари И.Мирзо, С.Саййид, А.Обиджон, Бобур номидаги халқаро жамғарманинг Тошкент шаҳар бўлими раиси А.Жумақулов ва бошқалар халқимиз учун муносиб шароитларни яратиш, ёшларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг маънавиятини юксалтириш Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ислоҳотларда устувор аҳамият касб этаётганини таъкидлаб ўтишди.

Яшил ҳудуд марказидаги мўъжаз оролча турли маданий-маърифий тадбирлар, ижодий учрашувлар ўтказишга мўлжалланган.

— Турар жойимизга яқин жойда сўлим ва ўзига хос боғнинг ташкил этилгани ажойиб туҳфа бўлди, — дейди уй бекаси Муҳаббат Ёқубова. — Бу ер нафақат катталар, балки болалар учун ҳам баҳаво масканга айланибди. Ям-яшил ва салқин боғда айланиш болаларнинг саломатлигини янада мустаҳкамланишига хизмат қилади. Икки фарзандим билан боғни айлана туриб, кичкинтойлар спорт ўйинлари ўйнашлари учун қулай шароит яратилганига гувоҳ бўлдим. Боғнинг архитектураси ноодатий тарзда ишлангани эътиборимни тортди. Бу эса одамга завқ бағишлайди.

Яна бир эътиборли жиҳати боғдаги барча қурилмалар, сув ҳавзаси соҳиллари, майдончаларни тайёрлашда экологик тоза қурилиш материаллари – тош, ёғоч, махсус металл симлар билан зирҳланган тошлардан кенг фойдаланилган. Махсус экологик архитектура-қурилиш талаблари асосида бунёд этилган сокин ва осойишта, сўлим гўша ҳамшаҳарларимиз ва шаҳримиз меҳмонларини қувонтириши шубҳасиз.

Эстрада юлдузлари иштирокидаги концерт дастури барчага бирдек манзур бўлди. Болажонлар учун махсус томошалар ҳам қўйилди.

Боғда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун дастурхон ёзилиб, болалар ўйингоҳларда мириқиб ҳордиқ чиқариш имконига эга бўлишди. Ота-оналари, бувию буважонлари билан боққа келган ўғил-қизлар қувончига шерик бўлдик.

— Менга боғ жуда ёқди, — дейди Нигора Абдураҳмонова. — Бошқа боғларга умуман ўхшамас экан. Бу ерда мен кумушранг айлана шаклидаги антиқа фавворани кўриб, ҳайрон қолдим. Болалар учун мўлжалланган болалар ўйингоҳида маза қилиб ўйнадим.

Бобур номидаги Тошкент марказий эко боғининг очилиш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов иштирок этди.

Зиёда РАСУЛОВА
Ислом Исмоилов олган суратлар

Реклама ва эълонлар

"Respublika mulk markazi" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоси такроран Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ишлар бошқармасининг транспорт бўлимига тегишли автотранспорт воситалари қўйилганлигини қўшимча равишда маълум қилади!

1."Газ 31105" русумли, давлат рақами 01/044 РРР, 2005 йилда и/ч. Бошланғич баҳоси – 16 500 000 сўм. 2."Газ 31105" русумли, давлат рақами 01/057 РРР, 2005 йилда и/ч. Бошланғич баҳоси – 16 500 000 сўм. 3."Газ 31105" русумли, давлат рақами 01/106 РРР, 2005 йилда и/ч. Бошланғич баҳоси – 16 500 000 сўм. 4."Газ 31105" русумли, давлат рақами 01/136 РРР, 2005 йилда и/ч. Бошланғич баҳоси – 16 500 000 сўм. 6. "Нексия" русумли, давлат рақами 01/144 РРР, 2006 йилда и/ч. Бошланғич баҳоси – 15 600 000 сўм. 7."Нексия" русумли, давлат рақами 01/148 РРР, 2006 йилда и/ч. Бошланғич баҳоси – 15 600 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 19 июнь куни соат 15:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 16 июнь куни соат 18:00.

8. "Газель 330210" русумли, давлат рақами 01/099 РРР, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 33 800 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 30 июнь куни соат 15:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 28 июнь куни соат 18:00.

Автотранспорт воситалари Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 4-уй манзилида сақланмоқда.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 30 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "RMM" МЧЖнинг АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. 228-79-52.

Гувоҳнома №001805.

"Ким ошди савдо сервис" МЧЖ шуни маълум қиладики, Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2017 йил 5 июндаги 8072/2-сонли хатига асосан, Суд департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлимларидаги ижро ҳужжатлари инвентаризациядан ўтказилаётганлигини инобатга олган ҳолда, Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ва суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан реализация қилиш учун очиқ аукцион савдоларига чиқарилган барча турдаги кўчмас мулклар бўйича аукцион савдолари вақтинча тўхтатилади. Маълумот учун тел: +99898 305-11-81

Гувоҳнома №5477

"Хоразм кўчмас мулк савдо сервис" МЧЖ Тошкент шаҳар Чилонзор филиали шуни маълум қиладики, Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2017 йил 5 июндаги 8072/2-сонли хатига асосан, Суд департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлимларидаги ижро ҳужжатлари инвентаризациядан ўтказилаётганлигини инобатга олган ҳолда, Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ва суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан реализация қилиш учун очиқ аукцион савдоларига чиқарилган барча турдаги кўчмас мулклар бўйича аукцион савдолари вақтинча тўхтатилади. Маълумот учун тел: +99898 305-11-81

Лицензия №0054

Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи томонидан 2009 йилда Арзубаев Жаҳонгир Нуритдинович номига берилган КЊ № 1432317 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

"Ўзагросаноатлойиҳа" МЧЖ жамоаси хўжалик бўлими ходими Махмуд Ходжиевич Султановга волидаи муҳтарамаси

Рахима СУЛТАНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида ***14 июнь*** *куни ҳаво ўзгариб туради, кунниг иккинчи ярмида ёмғир ёғиб, жала қуйиши эҳтимоли мавжуд. Ғарбдан секундига 5-10, кучайган ҳолда 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 20-22, кундузи — 34-36 даража иссиқ бўлади.*

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, ***14 июнь*** *эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Кўргазмалар

КАШТАЛАР ЖИЛОСИ

Камолиддин Беҳзод номидаги мемориал боғ-музейида каштадўз Гулнора Одилованинг "Шаҳрисабз каштачилиги: қадим ва замон" деб номланган шахсий кўргазмаси очилди.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А.Нуриддинов, Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми О.Файзуллаев ва бошқалар юртимизда истиқлол йилларида миллий қадрият ва анъаналаримизни қайта тиклаш, тараққий эттириш, келажак авлодга етказиш, халқ амалий санъат турларини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ва қадимий каштачилик санъатининг янги босқичга кўтарилганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, неча минг йиллик тарихга эга каштачилик санъати ўзининг гўзал ва ёркин тасвирлари билан дунё мамлакатлари нигоҳида ҳамон юксак ўрин эгаллайди. Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва Шаҳрисабз каштачилик мактаблари истиқлол туфайли қайта тикланиб, кенг ривожланмоқда.

– Шаҳрисабз каштаси ўзбек гулбезакларининг кўплигига кўра, Бухоро ва Нурота каштачилик намуналарига яқиндир, – дейди каштадўз Гулнора Одилова. – Шаҳрисабз каштачилиги асосан "ироқи" услубида тикилсада, унда "ёрма", "кандахаёл" чокларидан кенг фойдаланилади. Мазкур ҳудуд каштачилиги жозибадорлиги ва серқирралиги билан ажралиб туради. Барглар ва гул зангиларидан иборат манзаралар тасвири эса, мўл-кўлчилик, жўшқинлик, баҳор ва ҳаёт рамзларини ифодалайди.

Каштачилик Гулнора Одиловага момомерос ҳунар ҳисобланади. Моҳир каштадўз Шаҳрисабз каштачилиги анъаналарини давом эттираётган тўртинчи авлод ҳисобланиб, қарийб йигирма йилдан буён каштачилик билан шуғулланиб келади. Гулнора опа XVII асрда қўлланилган ва унутила бошланган "ироқи" услубини, республика ва хориж музейларида сақланаётган Шаҳрисабз нусхаларини устози Ҳалима Бобоқуловадан қунт билан ўрганиши натижасида анъанавий нусхаларни қайта тиклади.

Каштадўз ўзига хос услубга эга бўлиб, қўл меҳнати ва табиий ипдан бекиёс ишланган кашта-сўзаналар, чопонлар, ёстиқжилдлар, аёллар сумкаси, пойабзаллар ва бошқа маҳсулотлари билан нафақат юртимизда балки хориж мамлакатларида ҳам ўз ўрнига эга ҳунармандлардан.

2006 йилда "Ташаббус" кўрик-танловининг мамлакат босқичида "Энг яхши ҳунарманд" номинацияси бўйича биринчи ўринга лойиқ деб топилган. АҚШ, Германия, Франция, Бельгия, Россия, Туркия, Греция, Исроил, Малайзия ва бошқа кўпгина давлатларда ўтказилган кўргазмаларда иштирок этиб диплом ва нуфузли совринлар билан тақдирланган.

Шаҳрисабз каштачилиги бўйича мингдан ортиқ шогирдлар тайёрлаган. У раҳбарлик қилиб келаётган "Кеш-Осиё" корхонасида бугунги кунда ёшлар ҳам ҳунар ўрганиб, ҳам иш билан таъминланмоқда.

Кўргазма 20 июнга қадар давом этади.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

ПОЧТА ЖЎНАТМАСИДАГИ ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР

Республикамизда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлишига оид ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, уларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишига монелик қилиш, фуқаролар соғлиғини сақлаш ҳамда давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 1999 йилнинг 19 августида "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги қонун қабул қилинган бўлиб, психотроп моддалар ва прекурсорлар тушунчаларига алоҳида таъриф берилган.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2015 йил 12 ноябрдаги "Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек, уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори билан республикамизда чекланган психотроп моддалар ва прекурсорлар рўйхатлари тасдиқланган. Унга асосан 81 турдаги психотроп модда ва 26 та прекурсор келтирилган.

Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида чекланган психотроп моддалар ва прекурсорлар рўйхати киритилган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг муомалада бўлишига фақат шифокор кўрсатмаси бўйича тиббий мақсадларда рухсат этилади. Бундан ташқари экспертлик ва тезкор-қидирув фаолиятида ҳам улардан фойдаланишга рухсат этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тўғрисида"ги 2003 йил 16 июлдаги қарорига асосан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб кириш ва олиб чиқиш фаолиятнинг тегишли тури учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бериладиган сертификатлар асосида амалга оширилади.

Халқаро почта Конвенциясига асосан, почта жўнатмалари орқали психотроп ва наркотик воситаларнинг юборилиши қатъиян тақиқланган. "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни почта жўнатмаларида, шу жумладан халқаро почта жўнатмаларида жўнатиш тақиқланиши кўрсатиб ўтилган.

Аммо шунга қарамай, почта жўнатмалари орқали қонунга хилоф равишда таркибида психотроп ва наркотик моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини жўнатиш ҳолатлари ҳамон учраб турибди.

Жумладан, Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг "Бошпочтампт" ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари шу турдаги бир неча қоидабузарликларининг олдини олишди.

Пойтахтлик Венера номига хориждан юборилган почта жўнатмаси божхона кўригидан ўтказилганда, буюмлар орасида "CN-23" шаклидаги божхона декларациясида кўрсатилмаган 30 дона "Zolpiden Hemitartate" номли психотроп таблеткаси, 8 турдаги 410 дона дори воситалари борлиги аниқланди.

Фуқаро Алишер номига хориждан келган почта жўнатмаси божхона кўригидан ўтказилганида 24 дона "Rocacet Plus" номли таркибида психотроп моддаси бўлган таблеткалар ва 2 турдаги 88 дона дори воситалари борлиги маълум бўлди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан айбдор шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 246-моддаси билан жиноят иши қўзғатилди.

Шу ўринда Тошкент шаҳар божхона бошқармаси фуқаролардан божхона қонунчилиги бузилишига доир ҳолатлар ёки божхона ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари юзасидан 120-76-71 ишонч телефонига қўнғироқ қилишлари мумкинлигини маълум қиламиз.

Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси Ахборот хизмати

Реклама ва эълонлар

"NURONIY AVTOSERVIS" МЧЖнинг (ИНН303333893) юридик манзили ўзгарганлиги сабабли муҳрлари

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун телефон: (94) 670-98-65

Тошкент шаҳар, Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан "SAPSAN-M" МЧЖ (ИНН 205779872) га 06.04.2011 йилда берилган № 000994-05 реест рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар, Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан "SAPSAN-M" МЧЖ (ИНН 205779872) га 14.04.2011 йилда берилган УС №007632 рақамли лицензия йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. факс: (0-371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта булимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 635
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 9234 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 14.00
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ